

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан
чиқа бошлаган

2001 йил
17 - 23 апрел

№ 16 (220)

Сотувда эркин
парҳда

Адлия вазирлигида

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мулкчиликнинг барча бўғинларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришда ўзаро ички ва ташқи алоқаларни тартибга солишчи восита бўлган шартномавий муносабатларни шакллантириш ҳамда шартномага киришувчи томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари, қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган. Эндиликда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ҳужжалик юритувчи субъектлар ўз иқтисодий алоқаларини тартибга солиб турувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат — шартнома билан фаолият кўрсатишга тўла мослашмоғи лозим. Шу мавзуга бағишланган Адлия вазирлиги, Прокуратура, Олий ҳужжалик суди ҳамкорлигидаги навбатдаги семинар-ингилда соҳилчилик, маориф, жисмоний тарбия, маданият ва матбуот комплекслари тизимидаги ҳужжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари ва шартномавий муносабатларга масъул шахслар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг ўринбосари Бүритов Мустафоев қонун доирасида шартномалар тузиш, ижросини ўз вақтида таъминлаш иқтисодий ислохотларимиз ривожланишининг кафолати эканини таъкидлади.

Семинар-ингилда Республика Прокуратураси масъул ходими Ч.Эсерапов бу соҳалар

да шартномавий муносабатлар бўйича аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида, Олий ҳужжалик судининг судьяси Е.Есниязов, "Ўзфармасаноат" ДАК бўлим бошлиғи Ш.Шораҳмедов, 1-Тошкент босмахонаси ҳуқуқшуноси В.Ғулломов маъруза қилдилар.

Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи Ш.Саидов "Соғлиқни сақлаш, маориф, жисмоний тарбия, маданият ва матбуот комплекслари таркибига кирувчи корхоналарда шартномалар тузиш ва улар ижросини таъминлашнинг аҳоли тўғрисида"ги маърузасида шундай деди:

Шартномавий муносабатларни йўлга қўйишдаги асосий камчилик — ҳужжатлаштириш ва шартномаларни расмийлаштиришнинг ёмон аҳолигаги ҳар биримизни ўйлантириши, ташвишга солиши лозим. Чунки ҳар бир оғди-берди ҳужжат орқасида инсон тақдирини турбиди. Шундай экан, шартномаларни ижро этиш бўйича қирим ва чиғим ҳужжатларини эътибор билан ёзиш, имзоланиб, муҳр босилган ҳужжатларни диққат билан ўрганиб, албатта бундай ҳужжатдан бир нусха олиш ва тегишли нарядларда сақлаш тартибининг бузмаслик ва унга доимо амал қилиш шарт. Зеро, шартномалар тузилиши ва бажарилишига етарли эътибор бермаслик, ўз ҳисоб-китобларини тўғри юритмаслик корхона банкрот ҳолатига олиб келиши мумкин.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
"Инсон ва қонун"нинг
маҳсус мухбири



Вилоят кенгаши сессияси

ОИЛА МАНФААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Навоийда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Сессияни вилоят ҳокими Ҳ.Дилолов бошқарди. Депутатлар «Она ва бола» давлат дастури ижросини атрофича муҳома қилишди.

Мазкур мавзу бўйича вилоят ҳокими муювини, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Иброҳимованинг маърузаси тингланди.

Маърузада таъкидланганидек, «Она ва бола» давлат дастури кўпроқ оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, оналар соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши масалаларига эътиборни қулайтириш, шифохоналарни замонавий тиббиёт асос-ускуналари билан жиҳозлаш, айниқса, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказишга қаратилган. Бугунги кунда вилоятда 390 мингдан зиёд хотин-қиз яшайди ва шундан 140 минг нафари турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

«Она ва бола» давлат дастурининг ҳар битта банди бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Усмирлар поликлиникаси», «Еш оналар мактаби» ташкил этилди. Нурота, Қонимех, Хатирчи туманларидаги туғруқхоналар таъмирдан чиқарилди. Янги, замонавий асос-ускуналар ўрнатилди. Утган йилда 20 та, жорий йилнинг биринчи

чорагида 5 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Навоий шаҳрида, Қонимех, Қизилтепа, Нурота туманларида тиббий тез ёрдам шифохоналари ишга туширилди.

Шунга қарамай, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қўйилган самараларни беряпти, дейишга ҳали эрта. Энг ачинарлиси, 2000 йилда 1999 йилга нисбатан оналар ўлими пасаймади. Бу кўрсаткич жорий йилнинг дастлабки чорагида ҳам сақланиб турибди. Вилоят шифохонаси туғруқхона бўлими бугунги кун талабига жавоб бермайди. Йигирма йилдан буён бино таъмирдан чиқарилмаган.

Сессияда аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан тўлиқ таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, қўшимча иш ўринлари очиш, йирик корхона ва ташкилотларда, ҳужжаликларда хотин-қизлар кўмиталари раислари лавозимини жорий этиш, депутатликка номзод кўрсатишда хотин-қизларга алоҳида эътибор бериш каби масалалар ҳам муҳомақа этилди.

Шунингдек, сессияда вилоятнинг ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, халқ депутатлари вилоят кенгашининг сайлов ўтказуви комиссияси таркиби сайланди ва вилоят ҳокимининг қарорлари тасдиқланди. Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири

Душанба сабоғи

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВА ИСЛОХОТЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси аграр давлат ҳисобланади. Шу сабабдан, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ муносабатларни чуқур ўрганиш муҳим рол ўйнайди.

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ҳуқуқий семинарнинг мавзуси айнан қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларга бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси ўринбосари, юридик фанлари доктори Юлдош Жўраев маъруза қилди.

Нотيق қишлоқ ҳўжалигида юз берган чуқур ислохотлар тегишли муҳим қонун-қондалар асосида амалга оширилганини таъкидлади. Масалан, мулкчилик ва ер тўғрисидаги қонунлар, Ер Кодекси, Ер кадастри, деҳқон ҳўжалиги, кооперативлар, фермерлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳўжатлари қабул қилинганлиги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда соҳани замон талаблари даражасига кўта-

риш учун муҳим восита бўлаётганлиги хусусида гапирди.

Ю.Жўраев республикамиз Ҳукумати иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади экан, бундай эътиборнинг натижаси ўларок ер, турли қишлоқ ҳўжалик корхоналари ўзининг ҳақиқий эгаларини топаётганини айтди.

Мамлакатимиз бойлигининг салмоқли қисмини қишлоқ ҳўжалигидан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Бу эса юрист ходимлардан қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши хусусиятларини, бу соҳадаги иқтисодий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари ҳамда усулларини пухта ўрганишни, билишни, амалиётда улар талабларидан оғинаий қўллашни тақозо этади. Семинарда ана шулар хусусида ҳам атрофича сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз

Мужда

Конституция — Бахтимиз пойдевори

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида Республика плакат ва фотосуратлар кўргазма-танлови очилди. Уни Республика «Тасвирий ойна» иқдодий уюшмаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Бадиий Академия билан ҳамкорликда ташкил этди.

Кўргазмини университет ректори, академиги Т.Долитмов очар экан, Бош қону-

нимизнинг Ватан ва халқ тақдирини, ҳаётимиз равнақида аҳамияти тобора ортиб бораётгани, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, тинч ва осуда турмушимиз замирида унинг ҳаётбахш ғоялари мужассам эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Ориповнинг фикрича эса мазкур кўргазма Конституцияда белгиланган қонуний ва ҳуқуқий асослар ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини плакат ва фотосуратлар орқали аҳоли, айниқ-

са, ёшлар онгига синдиришда жуда муҳим аҳамиятга молик таъсирчан восита.

Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган мазкур кўргазмада таниқли мусавирларнинг асарлари билан бир қаторда олий ўқув юртилари талабалари, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари ҳамда мактабгача тарбия муассасалар тарбияланувчиларининг ҳаваскорлик ишлари ҳам намойиш этилмоқда.

Олим Норбеков,
ЎЗА мухбири

Шу соға хабар

ОАВ ВА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармасида ички ишлар идораларининг ҳуқуқшунос маслаҳатчилари, матбуот хизмати ҳамда газета-журналлар ходимларининг жамиятда тутган ўрнини оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшунос маслаҳатчилар ҳамда матбуот хизмати ходимлари, газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари иштирок этишди.

Республикаси ИИБ ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси матбуот марказининг бошлиғи Азиз Эрназаров ҳамда «Огоҳ» газетасининг Бош муҳаррири Ботир Зиёев, «Телевидение ва радиода нутқ маданияти» мавзусида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети катта ўқитувчиси, филология фанлар номзоди Раҳимбой Жуманиёзов, «Ҳуқуқий давлат қуришда, фуқароларни ҳаракатдаги қонунчиликка ҳурмат руҳида тарбиялашда, ички иш-

лар идоралари ва кенг жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда газета ва журналларнинг роли» тўғрисида Республика ИИБ Бирлашган тахририятини Бош муҳаррири ўринбосари Эркин Сатторов, «Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ-тартибот органлари матбуот хизмати билан ҳамкорликдаги ишлари самараси тўғрисида» «Адолат» газетаси Бош муҳаррири, Тўхтамурод Тошев маърузалари тингланди.

Учрашувда қонунчилик ва ҳуқуқ мавзусини ҳаққоний ёритиш журналистан катта масъули талаб этиши, шунинг учун ҳам соҳа журналистлари ҳуқуқий маданият, маънавий-маърифий ва амалдаги қонунчилик билан боғлиқ бўлган ўз касбий билимларини тинмай ошириб бориши давр талаби эканилиги таъкидланди. Ўзаро ҳамкорлик хусусида келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

Спорт

НУКУСДА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ

Нукусда эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Икки кун давомда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган таниқли полвонлар голиблик учун қизгин кураш олиб борди. Яхши тайёргарликка эга бўлган қорақалпоғистонлик Баҳром Эрматов, Тўлибой Қўчқоров, тошкентлик Абдулло Очиллов, Жаҳонгир Муродов, Амир Заҳриддинов, Мағамбет Тажиғалиев, самарқандлик Раҳман Абдуғуфоров, Улғубек Назаров ўз вази тоифаларида мамлакат чемпиони бўлишди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда Қорақалпоғистон вакиллари Ҳўлжон Тожимуродова, Ойнара Ортиқова, Жиззах вило-

ятдан Нигора Туркменова ва Наргиза Одилова ўз вази тоифалари бўйича голиб бўлди.

Хорижда ўтказилган бир неча халқаро мусобақаларда мамлакат шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилиб келаётган Баҳром Эрматов чемпионатнинг мутлоқ голиби бўлди ва унга «Ваз-2106» автомашинасининг қалити топширилди.

Шунингдек, чемпионат юқори савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшган ташкилотчилар ва ветеран спортчилардан бир гуруҳи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А.Искандаров,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис сессияси олдидан

ИСЛОХОТ — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Истиқлолга эришган Ўзбекистон бугун ўзининг миллий давлатчилик тизимини қайтадан тиклади. Демократик давлатларда қайд этилган ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили асосида бутун давлат ҳокимияти органлари тизими қайтадан ташкил этилди.

Шунга қўра қонун чиқарувчи, суд ва ижро ҳокимияти тизими шаклланди. Миллий давлатчилигимизнинг конституциявий асосларини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Қомусимизда янги давлат органлари билан бир қаторда анъанавий давлат органларининг ҳам конституциявий мақоми мустаҳкамлаб берилган, барча давлат органларининг ваколатлари ва функциялари аниқланган.

Жумладан, прокуратуранинг конституциявий мақоми Асосий қонунда аниқ белгиланган. Лекин прокуратура давлат ҳокимиятининг қайси соҳасига тааллуқли эканилиги айтилмаган. Бизнинг фикримизча, прокуратура органлари Ўзбекистонда тўлиқ шаклланган

Президентлик ҳокимияти тизимига кирилади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сўнг қабул қилинган биринчи навбатда Жиноят ва Фуқаролик кодекслари, Жиноят процессуал, Божхона, Солиқ тўғрисидаги кодекслар ва бошқалар кирди.

аниқлаштирди ва ривожлантирди. Шу вақт мобайнида прокуратура органлари томонидан бажарилган катта ишлар бу қонуннинг самарали ҳаракат қилганлигини кўрсатувчи бир омилдир.

Бугун нима учун «Прокуратура тўғрисида»ги Қо-

Мажлисининг ўтган сессиясида «Суллар тўғрисида»ги Қонуннинг янги матнаги тахрири қабул қилинди. Суд ислохотини эса прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ривожлантирилмасдан туриб, тасаввур этиш анча қийин.

Айни пайтда саккиз йил

принципи Ўзбекистонда тан олинган. Шу боис «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлик принципи акс эттирилди керак. Чунки «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганда Ўзбекистон ҳали халқаро шартномаларга қўшилмаган эди. Қолаверса, қонун қабул қилинганидан сўнг прокуратура фаолиятининг ўзида ҳам бир қатор янги йўналишлар пайдо бўлди. Бу йўналишлар ҳам янги лойиҳада ўз аксини топтомоғи керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республика Прокуратураси ходимларининг Малака ошириш маркази, вилоят, шаҳар ва туман прокуратуралари муайян тизим шаклида ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни атрофича ўрганиши узлуқсиз йўлга қўйиш даркор. Ана шунда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг арқонлари бўлиши энг муҳим қондалар талаблари бажарилиб, халқаро ҳуқуқнинг устуворлик принципи ҳаётга тадбиқ этилган бўлар эди.

Зокир ИБРАГИМОВ,
юридик фанлари
номзоди

Халқаро савдонинг охириги 10 йил ичида энг ҳайратта соладиган хусусияти унда юз берган ўзгаришлар тезлиги бўлди. 80-йилларнинг ўрталаригача дунё 2 та турли блокларга — «эркин дунё» ва «социалистик блок»га бўлинган эди.

90-йилларнинг бошларида келиб, социалистик блок инқирозга юз тутган, мустақилликка эришган давлатлар бозор иқтисодиёти сари интилишди. Чунки бозор иқтисодиёти ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишини, халқаро ҳамжамиятда макъеи ошиши ва мустақамланиши, миллий валютани тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарига ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устуворлик халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар Халқаро валюта фондида, Халқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиш, Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим, Оврупа Иқтисодий Ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилган доир ташкилий таъбирларни ўтказиш қабилари берилиши алоҳида таъкидланган.

Булардан Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим (ГАТТ)ни олиб батафсил қараб чиқсак, ГАТТ асосан бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган давлатларни ўзига муважасам этиб, фақатгина дунёнинг 100 га яқин давлатларини қамраб олган бўлиб, унинг ҳаракат доираси товарлар савдоси билан чекланган қолар, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик ва кийим-кечак каби муҳим соҳалардан четда эди.

Марказий режалаштиришга асосланган давлатлар ГАТТда иштирок этишмасди, чунки мумкин қадар қўлайлик бериш статусига амал қилиш ва савдон эркинлаштириш улар учун мақсулот ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашни режага асосан амалга ошириш усулларига мос келмас ва анча машаққатли бўлиб туяларди.

Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) 1995 йил 1 январда ГАТТни алмаштириб, қамраб олувчи соҳалар доирасини кенгайтириди, товарлар секторига ўзининг умумий юрисдикциясини ўрнатди, маълум даражада хизматлар кўрсатиш инвестиция ва интеллектуал мулк секторларида ўз фаолиятини оширди.

Жаҳон Савдо Ташкилоти давлатлар ўртасида бўладиган савдо қоидалари билан шуғулланувчи ягона халқаро ташкилотдир. Унинг мазмунида халқаро тижорат ва савдо сиёсати учун ҳуқуқий асос бўладиган ЖСТнинг битимлари ётади. Битимлардан мақсад савдонини янада эркинлаштиришга ёрдамлашиш, музокара-лар йўли билан босқичма-босқич эркинликка эришиш ва объектив чоралар билан низоларни ҳал этишни тартибга солишдир. Бу битимлар халқаро савдода иштирок этувчи кўпчилик аъзо давлатлар ўртасида имзоланади. Улар халқаро савдонинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Булар шартномалар бўлиб, давлатлар ҳуқуқматлари ўзларининг савдо сиёсатларини чегара доирасида амалга оширишига йўналтирилгандир.

1948 йилдан бери ГАТТ бу тизим учун қоида бўлиб

хизмат қилди. Анча вақт ўтмай, битим норасмий халқаро ташкилот сифатида ГАТТни пайдо бўлишига сабаб бўлди. ГАТТ йиллар давомида ўтказилган раунд музокараларида ривожлана борди. 1986-1994 йиллар давомида ўтказилган Уругвай раунди охирига ва энг катта раунд бўлиб, Жаҳон Савдо Ташкилотининг тузилишига олиб келди.

Уругвай битимидан кейин ўтказилган либерал иқтисодларнинг навбатдаги тўлқини халқаро савдо ри-

доси бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатига ҳамма учун бир хил фаол ҳаракат кенглигини яратди. Бугунги кунда кўпчилик давлатлар Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб киришни узларининг олиб бораётган иқтисодларида муҳим қадам деб биладилар, маломики, ЖСТга иштирок этиш ташқи иқтисодий ўзгаришлардан ташқари ички иқтисодий бозор институтларини яратишга ҳам ёрдамлашади.

Жаҳон Савдо Ташкилоти аъзолик статуси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банкига аъзоликдан фарқли ўлароқ муайян ташкилий жиҳатга эга. Ҳар бир давлат ЖСТга аъзо бўлиш учун фақатгина камситмаслик савдо сиёсатини олиб бориши билан чекланмасдан, шу билан бирга савдо ва тижорат фаолиятининг ҳуқуқий асослари давлатларнинг ЖСТ билан келишуви бўйича олган барча мажбуриятларида акс этишини таъминлашлари шарт. Агар

истиснолар бўлмаса, ЖСТга кираётган давлат ташкилотининг ҳамма қоидаларини бажаришга розилик бериши керак.

ЖСТ қоидалари ГАТТ қоидалари каби аъзо бўлиб кириш шартлари сифатида бозор иқтисодиёти мавжудлигини талаб қилмайди. Бу ташкилотга аъзолик дискриминациясиз сиёсат ва миллий режимга риоя қилишлари оғлиги равишда тайёр бўлишларини таъмин қилади.

ЖСТ биринчи ўринга ошқоралик ва нарх механизми ва кўйиб, бу билан бозор принципларини аъзо давлатлар иқтисодиётида рўйга чиқишини таъминлайди. Бошқа томондан, савдо чекловларини бекор қилишни талаб қилиш ҳамда келишувлар асосида тарифларни камайтиришга ҳаракат қилиш, очик иқтисодиётга ўтишга кўмаклашади.

ЖСТ битимларида фақатгина аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Ташкилот ва аъзо бўлиб кираётган давлатларнинг ҳуқуқматлари ўртасида фақатгина келишилган шартлар асосида янги аъзолик қабул қилинади. Бунинг учун музокара олиб бориш давомида аъзо давлатлар «кириш бадал»ини олишни мўлжаллайдилар, яъни аъзо бўлиб кираётган давлат билан тарифларни камайтириш бўйича тариф чекловларини бартараф қилиш, аниқ битимлар бўйича ўтиш лаврини қисқартириш ва бошқа дастлабки шартлар бўйича келишидир. «Ривожланаётган давлат» статуси ҳам автоматик қафолатланмайди ва аъзо бўлаётган давлат

махсус ва дифференцияланган режимни қўллаш зарурлигига ишчи гуруҳини ишонтириши керак.

ЖСТнинг принциплари ташқи савдога ҳам, ички иқтисодий фаолиятга ҳам таътиб этилиб, бевосита ички иқтисодий сиёсатга тегишли бўлган соҳаларга, Қишлоқ ҳўжалиги бўйича битими, ТРИПС-интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдоси бўйича битими ва ТРИМС-инвестицион чоралар савдоси бўйича битимлари таъсир этади.

ЖСТга аъзо бўлиш учун хусусийлаштириш, нархлар, дотациялар ва бошқа соҳалар сиёсатини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Ташкилотга кириш учун олиб бораётган музокараларда ЖСТнинг аъзолари кираётган давлатдан кескин ўзгаришларни талаб қиладилар. Бу эса чўқур тизим ислохотлари олиб бораётган давлатларнинг ички вазиятларини қийинлаштириши мумкин.

Ишчи гуруҳи аъзолардан юқоридоғи масалалар бўйича ён беришга эришиш қўйин бўлиб, улар аъзо бўлаётган давлатнинг бозорларга кириш имкониятига таъсир этувчи ҳар бир сиёсий аспекти, ишчи гуруҳининг ҳисоботи ва кириш протоколида аниқ кўрсатилган бўлишидан манфаатдорлардир. Хитой ва бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа давлатларнинг кўп йиллар давомида тулган тажрибалари ЖСТга аъзо бўлиб кираётган давлатлар учун сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Жамшид ВОСИЕВ, Тошкент Давлат юридик институти Магистратура тингловчиси

Ҳуқуқий маърифат

ЗАМОН ЎЗГАЛАРДАН ЎЗГАННИКИ

Урганч шаҳрида тарих ва ҳуқуқшунослик факультетида иқтисодшунослик маънасида факультет кўрсатишларида. Ушбу ҳуқуқшунослик вилоят маънаси ва туманлардан талаб олинган иқтисодшунослик ёиларидир. Мамавақитимизда ҳуқуқий илм, маърифат ва маданиятнинг эгаллигига бўлган устувор эътибор 3 йил муқаддам маъсум билим даргоҳидаги юзга келишига бир тўрттин бўлган эди.

Илм даргоҳи замонасига юксалишга маъсумлигини вақифини қандай ўтказибди? Маънасида ҳуқуқшунослик илмининг ўрнатилган аҳамияти нимадан иборат?

Маънасида директор, олий таълим ўқитувчиси, бир нечта ўқув ва публицистик қўламлар муаллифи Набиулло ҲАСАНОВ билан суҳбатимиз аниқ шу саволлардан бошланади.

— Эҳтиёж ва зарурат тунимаса, талаб ва тақозолар ўрғана келмаса, одамлар бирон таъбирга қўл урмишмайди, — ден сўз бошлади суҳбатдошимиз Н.Ҳасанов. — Айни пайтда кимки манфаат кўрмаса бирон ишга далел қилишмайди. Халқимиз шўролар замонида ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар. Солиқ «қўйи» ва «қорбоқ»лар эса олий халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб қўлишдан ниҳоятда қўйишарди. Жамиятда ҳуқуқий билим ва маданиятга ниҳоятда кўчи ташналик ана шунинг оқибатида юзга келди. Ҳуқуқий жаҳада вужудга келган бўлишнинг ниҳоятда катталигини мамлакатимиз мустақилликка эришгачина англаб етдик. Ўзбекистон бозор муносабатлари ва илгор демократик таъйинлар сари қадм қўйган, бунинг учун бизим даражадаги ҳуқуқий маданият, онг, савия, дунёқарашида бўлган эҳтиёж янада кучайганлигини ҳам шу тариқа идрок этидик.

Мустақил юртимиз раҳбарлари бу соҳадаги зарурат ва эҳтиёжни ҳаммадан олдин англаб олишди, десам ҳато бўлмайди. Фуқаролар тафаккури, онги, савияси, фикрлаш қобилияти орттирилган манфаатдорлик туйғуси пировардида Президент Ислам Каримов томонидан «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ва уни амалга ошириш чора-таъбирларига бағишланган қарорлари қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигига давлатнинг ўзи яамуқлик қилаётгани бунинг ёрқин иботидир. Бу каби маъмуриятлар шарафдонлик жойларда ҳуқуқий таълимнинг бошланғич бўлини вужудга келди. Вилоятимиздаги илм ўқоқларидан бири ҳисобланган бизнинг ўқув даргоҳимиз ҳам ана шулар жумласидандир.

Омгани ҳуқуқий маърифатдан баҳраманд этиш жиддий ва маъсумлигини вақифалардан биридир. Бу соҳадаги ишларнинг асосий қисмини ёшлар тарбияси ташкил этади. Ҳуқуқшунослик илмининг мактаб партавидек эгаллаш келусида маъналик кадрларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун жамоатимиз аҳли ёшларга ҳуқуқий билим бериш йўлида тинмай изланишмоқда. Буни қўйидаги рақамлардан билиш шимиз мумкин. Дастлабки икки йилда талабаларимизнинг 54 фоизи олий ўқув юртиларида ўқиб ҳуқуқни қўлга киритган бўлса, 2000 йили бу кўрсаткич 71 фоизга етди. Ушундан маъналик муаллим кадрларга бўлган талаби ҳам қондирилди. Кучли ўқитувчи — кучли ўқувчи ақлиси вужудга келди.

Ҳуқуқшунослик — ўта маъсумлигини касб. Уни олий ўқув юртидаги 4 йиллик тахсил жараёнида муқамал эгаллаш афди маҳол. Шу боис бу мўътабар касб сир-асрорларини эгаллашга анча барвақт киришиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай қараганда, фарзандларимиз яши билан ёмоннинг фарқини ҳали босча ёшидақ англаб етмаса, таълимнинг галлаги босқичларини эгаллаш жараёни бирмунча осон кечади. Бу касбга бўлган чинакам меҳр-муҳаббатни ўрта мактабларнинг 5-синфидан кейин ўйотилиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки бошланғич ҳуқуқий таълим босқичини муваффақиятли ўтаган ёшлар ўрта махсус ёки олий ўқув юртида, шунингдек, бақалар ва магистр мактабларини эгаллаш чоғида қийинчиликларга дуч келишмайди.

— Таълим-тарбия савиясини ошириш, замонасига истиқлол юзларига саложатли баркамол авлодни камолга етказиш учун моддий ва маънавий асослар етарлими? Бу борадаги ютуқлар ва камчиликларни нимага қўриш мумкин?

— Таълим-тарбия соҳасидаги сай-ҳаракатларни юқори босқичга кўтариш учун имконият ва воситалар етарли деб ўйлайман. Авваламбор, мустақил юртимизда соғлом ва ҳур фикрли, иймон-этиққодли ёшлар замонаси тарих ва истиқбол саҳнига қариб келганлигини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Аждоғлардан мерос инсоний фазилатларнинг сақланиши ва ривожланиши учун замин ҳозирлашда энг қўлай имкониятларга эгамиз. Бунинг учун ўқиб ва ўрганишга илос қўйишнинг ўзи кифоя. Президент Ислам Каримов шу йил январ ойида ёшлар масаласига бағишланган кенашда бу борадаги вазифаларнинг жиддийлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Одам ўз-ўзинан илми ва тарбияли бўлиб қолмайди. Бунинг учун муаллимлик ва устозлик жараёни зарур. Халқимиз ва давлатимиз ёшлар тарбияси йўлида ҳеч нарсага ямаётган, барча имконларни ишга солиётган бир пайтда шу ишга маъсул «Камолот» жамғармасининг ишончли оқдай олмаганини биз муаллимлар учун ҳам катта сабоқдир. Жамоатимиз ўз ишларини юқори босқичга кўтаришнинг бир асосини Юрбосшимизнинг юқоридоғи кенашда сузлаган нўққа ва маърузасидан ўқиб олган бўлса, яна бир қирраларини ёшлар тарбиясига дахлдор қўнлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳамда меъёрий ҳужжатлар тисмолида идрок этайтиш. Бу борада Президентимизнинг қўшдан-қўп асарлари, рисоалари, нўққа ва маърузалари биз учун қўланма бўлиб хизмат қилайти.

— Бизнингча, истиснолардан маънасида таълим-тарбия йўналишида мўлжалли аниқ олгани, ўқув-тарбия дастурини тарихий ва илмий асосларни ўзда муважасамлаштиришга шўбҳамиз йўқ. Шу борадаги мақсад ва режалар амалий ишлар ва натижаларда қандай намоян бўляпти?

— Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат Университети ва Маънаун Академияси билан имзоланган шартномалар ўқувчиларга қўлим бериш паровига айлангани шўбҳасиз. Чунки, мактабимизда «Сиз қонунни биласизми?» талпови ниҳоятда оммалашди. Асосан ёш ҳуқуқшунослардан иборат «Ёш тарихчилар клуби» ўпан йили республика талповининг финал босқичида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Вилоят олимпиадасида 3 нафар ўқувчимиз 1-, икки нафари 2-, яна икки нафари 3-ўринни эгаллашти.

Ҳозир мактабимизнинг икки нафар ўқувчиси республика фан олимпиадасида вилотимизни шарафини ҳўмоя қилишга ҳозирлик қўрляпти.

Ота-оналар билан ҳамкорлик таълим-тарбия ишларини яхшилашда яхши самара берапти. Урганчликлар, қўлаверса, воҳа аҳли Ленинга ота Аскаронини яхши танишади. Ота ҳўзир мактабимиз ота-оналар кўмитасига раҳбарлик қилади. У кишининг жонқурилиги ва ғайрат-шижвати тўғрисида илм масканимиз биноси намунали таъмирланди. Ҳўмйларимиз билан алоқамиз мустақамланди.

Қўланма ва дарсликлар масаласида муайян камчилик ва етишмовчиликлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда ўпан йили дарслик ва қўланмалар таъминоти бироз яхшиланиганини ҳам албатта таъкидламоқ даркор. Лекин бу эҳтиёжимиз учун кифоя қилмайди, албатта. Дарслик ва қўланмаларнинг муқамаллиги, ўқув дастуралига жавоб бера олиши каби муаммолар ҳам ўз ечимини қўрляпти.

Биз ақлия, суд тизими, қўнун назорати, ҳуқуқ тарбототи идоралари билан ҳамкорликни мустақамлаштириш энг муҳим ва долзарб вазифаларнинг бири қилиб белгилаганимиз. Қўнун заминимизда қўшдан-қўп осори-атиклар, ноёб тарихий ёдгорликларни ўрганиш, таъкид этишда ҳам ўз ўрнини, маънасида эга бўлмоғимиз лозим. Ҳуллас, режаларимиз, орзу-ниятларимиз яна бозам.

Ҳа, давр ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда. Инсоннинг инги мингйилликка қадам қўйди. Зеро, ҳаёт қўнунга ҳам шу.

Суҳбатдош: Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Қарор ва ижро РЕЖАЛИ ТАДБИРЛАР

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, бозор иқтисодиёти шароитида янгидан солиқ сиёсати ва солиқ қонунчилиги шаклланди. Чунки ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай давлатда солиқ сиёсати иқтисодиётни бошқариш қуроли ҳисобланади. Айтиш мумкинки, қисқа муддатда солиқ тизимда қатор ўзгаришлар юз берди, жумладан, кадрлар бора-сида, тажриба ва малака-ўқув соҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди. Шаҳарнинг Тўқимачилик туманида йирик иқтисодий салоҳиятга эга корхоналар мавжуд. Бу биринчи навбатда биз — солиқ ҳодимларига катта маъсумлиқ юкляди. Вазифаларимиз аниқ: солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри, тўлиқ ҳисобланганини ва давлат бюджетига ўз вақтида тўлалигича ундирилишини назорат қилиш.

Ушбу вазифаларни қўнуний бажариш учун қатор таъбирлар ўтказиш, пухта режалар ишлаб чиқиш лозим. Биз иш жараёнида қатъий тартибга амал қилдик. Натижада режадаги 7901,1 миллион сўм ўрнига 7967,1 миллион сўм, яъни режани 100,8 фоизга бажардик. Бу дегани режадагидан 65,9 миллион сўм кўп маблағ туширишга эришидик. Ўтган йилги тажриба ва эришилган ютуқлар шуни кўрсатадики, бизнинг тизимда интизом, муомала, солиқ қонунчилигини билиш ва қатъий амал қилиш ҳамма асқотлади.

Мавжуд 16 та даромад манбаининг 8 тури бўйича ҳақиқий тўшум режадагидан 606,3 миллион сўмга ортиги билан бажарилди. Булар ишчи-хизматчиларнинг даромад солиғи, ягона солиқ, юридик шахслар мол-мулки солиғи, недра солиғи, патент тўлови, ККС, сув тўлови, жисмоний шахслар мол-мулк солиғидир.

Юқорида, таъкидлаганимиздек, солиқлар, тоvon ва жарималарни ундириш қатъий тартиб ва солиқ қонунчилигига бўйсунган ҳолда олиб борилса, қўзланган натижаларга эришиш мумкин. Туман Давлат солиқ инспекцияси бўйича 436 та корхона ва ташкилотларга солиқлар, тоvonлар, жарималар ва мажбурий тўловлар ҳисобидан пайдо бўлган 292310,0 минг сўм миқдоридоғи қарзларни тўлаши тўғрисида талабномалар киритди. Натижада 365 та корхонадан 2386807,3 минг сўм миқдоридоғи солиқ ундирилди. Шунингдек, Бухоро вилоят ҳўжалик судига 80 та корхонанинг 554840,4 минг сўм миқдоридоғи солиқ, тоvon, жарима ва мажбурий тўловлар ҳисобидан пайдо бўлган қарзини ундиришни мол-мулкига қаратиш тўғрисида даъво аризалари билан мувожаат қилинди. Натижада ҳўжалик судининг 67 та корхонага 428065,8 минг сўмлик ижро варағи олинди. Хатланган мол-мулкларни сотиш орқали эса бюджетга 35716,5 минг сўм ундирилди.

Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими томонидан (иш режасига асосан) 370 та корхона ва ташкилотларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилиши натижасида давлат бюджетига қўшимча 158829,2 минг сўмлик солиқ тўловлари ва молиявий жарималар қўлланилди.

Туманимизда давлат бюджетининг даромадлар қисмининг бажарилишида ҳамма фаол, намуна ҳисобланмиш кўйидаги корхоналарни алоҳида айтишни истар эдик. «Бухоро-текс», «Бухородон», «Бухоронон», «Бухоро энергомарказ» ҳиссадорлик жамиятлари ҳамма солиқ қонунчилигига риоя қилиб, бу борадаги маъсумлиқ ятти тўғри англаган ташкилотлар сирасига қиради. Биргина «Бухоро-Текс» ҳиссадорлик жамияти томонидан ўтган йили 4 миллиард 251,8 миллионсўмлик солиқлар ва йиғимлар тўлланган бўлиб, умумий даромадлар тушумидаги салмоғи 53,0 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг ўтган йил 22 июндаги 239-сонли ва 12 августдаги 315-сонли «Бозорлар фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорларининг бажарилишини таъминлаш доимий назоратимизда, бу борада анча-мунча ишларни амалга оширдик. Бозорда белгиланмаган жойларда савдо қилган фуқароларнинг фаолиятига чек қўйилиб, туман ҳўкмилги ва бозор маъмурияти билан биргаликда тегишли жойларда савдо ўринлари ташкил қилинди. Туманимиз ҳўдудлида иккита деҳқон бозори бўлиб, бир мартали йиғим ва кўрсатилган хизмат учун тўловларни ундириш учун касса-назорат машиналари ўрнатилган. Бир марталик патта тўлови бўйича бозорга бириктилган ҳодимлар доимий равишда назорат олиб бориб, тушумнинг ошиб боришига эришмоқдалар. Барча деҳқон бозорларида солиқ инспекторларининг таянч пунктлари ташкил этилган. Туман молия бўлими, баҳолаш ва анти-монополья бўлими билан биргаликда мониторинглар ўтказилапти.

Олинди бир-биридан зарур вазифалар турибди. Муҳими, касбимизга содиқлик, эл назаридан қолмаслик, ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш... Ушбу бурч ва маъсумлигига юракдан ҳис этган ҳар бир ҳодимнинг фаолияти ўз юртининг гуллаб-яшнаши, фаровонлиги, обрўси билан туташади, муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Аҳмад ОЛИМОВ, Бухоро шаҳар Тўқимачилик туман ДСИ бошлиғи



Суратда: Тўқимачилик туман ДСИ ҳодимларидан бир гуруҳи.



ФОТОАЙБНОМА



Самарқанд вилоятининг Челақ туманида шу кунгача 24 та ёнгин содир этилиб, 134852 сўмдан зиёд моддий зарар етказилди. 4 нафар киши жароҳатланиб, шифохонага ётқизилди. Каттагуржамоа ҳўжалиги аъзоси Ф.Саидрахмонов ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмай, газ плитасидан фойдаланганлиги учун 3 февралга ўтар кечаси уйда ёнгин содир бўлди. Натижада ўзи ва қизи фожияли ҳалок бўлди. Бу муҳиш ҳодисадан баъзи корхона раҳбарлари ҳамон тегишли ҳулоса чиқариб олманган ўхшайди. Йўқса, Челақ туман «Челақ пилла» акциядорлик жамияти (раиси Иброҳим Эгамбердиев) жамоасида ёнгин хавфсизлиги чоралари қўрилмаганига нима дейиш мумкин? Пилла мавсуми ҳам бош-

Нурмамат АЛМУРОДОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Суратларда: «Челақ пилла» акциядорлик жамияти ва туман марказий трактор саройи жамоасининг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига бўлган муносабати акс эттирилган.

Муаллиф олган суратлар

Шундай одамлар борки, ўз бахти, иқболи, ҳаётда, излаган манзилларига эл-юрт ривож...

Урганч шаҳрида ўз муқаддас бурчи — ҳарбийхизматдан бўйин товлаган кимсаннинг қилмишига доир ҳужжатларни...

тон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 238-моддасига мувофиқ анча миқдорда...

Оқибатда Рустам иккинчи бора суднинг «қора курси»сига ўтирди. Қонунларимиз ўта адолатли. Қаранг, Жиноят Кодексининг 225-моддасида муқобил хизматдан...

Жиноят ва жазо



МАРД ЙИГИТ ЮРТНИ КЎРИҚЛАЙДИ

«Камолот»нинг маҳаллий муҳофаа ташкилотлари билан ҳамкорлиги ниҳоятда муҳимдир. Бирок ёшлар орасида ҳарбий бурч ва мажбуриятга муносабат бундан бундан...

Йигит борки, азалдан ватанини кўриқлаган, ён келса кўкратини қалқон этган, ўз жонон дёри, қон-қариндошларини ҳимоя қилиш йўлида ҳатто жонини ҳам аямаган.

Аммо урганчлик Рустам Собиров бундан мустасно. Боиси 1998 йилнинг май ойида муқобил хизматга тортилган Рустам бурчини ўташга шоишланди.

Ҳарбий хизмат қаттиқ интизом ҳам демакдир. Рустам эса ўзининг ҳузур-ҳаловатини кўзлади. Аксарият ёшлар ҳарбий хизматни тобланиш, чинқиш, ҳаёт сабоғини олиш дорифунуни санашди.

тида ана шу савол мени кўпроқ ўйлантиради. Ахир, ҳозир кўпчилик қизларимиз ҳам ҳарбий қисмларда хизмат қилишяпти-ку. Хўш, бўлмаса гап нимада? Гап шундаки, мактаблар ва ўқув юртиларини битказиб чиқаётган ёшларнинг анчагинаси меҳнат қадри, нон топиш, рўзгор юритиш тамойилларини яхши билишмайди.

Ботир ДЎСТЧОНОВ, Урганч шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси

Аттанг!

ОТАСINI «ТАРБИЯЛАМОҚЧИ» ЭДИ...



Отанг ақду ҳушини еб қўйса, нўхталаб боқ деган нақл бор. Лекин базиди шундай ҳоллар ҳам содир бўладики, — деб ҳикоя қилади Косон туманлараро прокурори Фарҳод Шайманов, — отасига тик боқиш тугул, унга қўл кўтариб, жонига қасд қилишгача борадиган но...

ган бўлиб, бошқа ўғлининг уйига кириб кетди. Айни пайтда Асрорнинг бўйнига шайтон миниб олиб, тийиқсиз отадан ўч олишга ундай бошлади.

Хайриятки, тезкор тиббий ёрдам туфайли отанинг ҳаёти сақлаб қолинди. Отасини пичоқ билан «қўрқитмоқчи» бўлган имонсиз ўғил эса одил суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Ғози РАҲМОН ёзиб олди



Урганч шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Розияхон Жабборова ўзининг салкам 30 йиллик фаолияти мобайнида қанчадан-қанча юртовларимизнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясига ҳисса қўшди.

Суратда: устоз ҳуқуқшунос Р.Жабборова

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигининг 7 йиллиги олдидан

МУРОЖААТ — ҚАЛБ НИДОСИ

Республикамизнинг 1994 йил 6 майдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлигига яқинда 7 йил тўлди. Ушбу Қонун фуқароларнинг мурожаатларига нисбатан эътиборли бўлишни, уларни белгиланган муддатларда қўриб чиқишни тақозо қилади.

Соибжон икки бор судланиб ҳам яхши томонга ўзгармади. Отанаси, яқинлари, маҳалла-кўйнинг «Бирорта фойдали меҳнатнинг бошини тут, оиланга бош бўл...»

каби насиҳатларига, дашномларига қулоқ тутмади. Енгил-өлпи ҳаёт, эски улфатлар дийдори уни ўз домига тортаверди. Хуллас, текканга тегиб, тегмаганга кесак отишни ўзига касб қилиб олди.

Соибжон билан Малика товламачилик, ўғирлик ва маишатга

бўлган мойилликлари билан бир-бирига узукка кўз қўйгандай мос тушди-қолди. Ҳар иккаласи оила бахти, фарзанд қувончидан мосува шахслар эди.

Бир куни улар Риштон туманига, Соибжоннинг узоқ қариндошини кўриб келишга тасодифан Мухаммадхон деган узоқ қариндошини учратиб қоладилар. Аввалига бундай учрашувни «ошхона»да нишонлашган узоқ қариндошларнинг базму жамшиди Мухаммадхоннинг уйда тун алламаҳалигача давом этди...

Малика Бозорбоеванинг дастлабки тергов ва судда берган қўргазмасидан: 1998 йилда Қарши

Афсус!

МЕҲМОНДОРЧИЛИКДАН... ЎҒИРЛИККА

шаҳар суди томонидан ЎзР ЖКнинг 169-модда 3-қисм «Б» банди билан судланиб, амнистияга асосан жазодан озод қилинганман. Соиб Холматов билан танишиб, олти ойлар никоҳсиз эрхотин бўлиб яшай бошладик... Эримнинг қариндоши Мухаммадхон билан учрашиб қолганимиздан кейин ошхонада тамадди қилдик. Уларга қўшилиб мен ҳам вино ичдим. Мухаммадхон уйда хотини йўқлиги, иши кўплигини

ҳам ичишди. Маст бўлиб қолган Соибжон ухлаб қолди. Бизга катта уйга жой қилиб беришди. Ярим тунда хонага Мухаммадхон кириб, ўзи билан бирга бўлишимни илтимос қилди, кўнмадди.

Эрталаб соат 6 ларда уй эгаси билан хайрлашиб чиқиб кетдик. Йўл-йўлакай Соибжон қандайдир оралқ жойдан бир тугун кўтариб чиқди. «Бу нима?» деб сўраганимда жавоб бермади. Кейин биланнинг кетиб, мезбонларнинг сандигидан ҳар хил кийим-бош ва аёллар материалларини йиғиштириб, пана жойга яшириб қўйган экан.

Соибжон билан Маликани-ку худо қўшқўллаб урган. Гулдай фарзандлари, яхшигина оиласи бўла туриб, Мухаммадхонни нима жин урди? Ёки «Менинг нафсим балодур, ўтдан чўққа солодур» деганлари шумикан? Хуллас, Мухаммадхон бир лаҳзада лаззатнинг қурбонига айланди. Оқибатда 23225 сўмлик мол-мулк ва 1500 сўм нақд пулини меҳмонлар қандай ўмаршиганини сезмай ҳам қолди.

С.Холматов билан М.Бозорбоевалар гунодор сифатида терговга қаҳирилган куниниёқ айблагига тўлиқ иқроор бўлдилар.

А.МАДАМИНОВ, Фарғона вилоят, Риштон туман ИИБ тергов бўлимининг бошлиғи

АЁЛ ШАҲНИГА ДОҒ Қилмиш-қидирмиш Андижон шаҳридаги Шоҳбекат олди кўчаси, 3-умий ховлидаги уйларнинг бирида истиқомат қилувчи Асалхон Умарова тирикчиликнинг «антиқа» йўлини топди.

ОМАДИ ЧОПМАГАН ЎҒРИ Маҳачқаблада омади келмаган уй ўғриси галати ҳолатда қўлга олинди. Има Пресс агентлигининг хабар беришича, ноҳалол йўл билан бойқомчи бўлган нақвирон йигит биринчи қаватда жойлашган уйлардан бирини тунашга тушган.

Гулга ошурта кўнгул... Жумладан, «Қондалар»нинг 15-бандига қўра, туғилишни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалар 1 ой ичида, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризалар арза берилган куннинг ўзиде, никоҳни қайд этиш сўралган аризалар асосан арза берилгач 1 ой тўлгандан сўнг, ФХДЕ идорасида вояга етмаган фарзандлари, мулкий низолари бўлмаган эр-хотинларнинг никоҳни бекор қилишликлари сўралган аризалари 3 ой ўтгач, ўлимни қайд этиш сўралган-ариза эса ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома

Амалиётда мурожаатларни қўриб чиқиш бора-борасида айрим сансоларчиликлар учраб турибди. Масалан, Олот туман Навоий номи ширкат хўжалигида яшовчи Фуқаро Умуров Жамол Отқуловнинг 2 нафар 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг насабини республикамизнинг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни 15-моддаси тартибда ўзгартириб беришни сўраб, 6.11.2000 йилда Зарафшон шаҳар ФХДЕ бўлимига юборган аризаси фақатгина Навоий вилоят ақлия божқармаси аралашуви билан кейин қарийб 2 ойлик муддатда ижро қилиниши қонунларимизга ҳурматсизлик белгисидир. Навоий вилоят ақлия божқармаси бошлиғи И.Бердиқуловнинг 2001 йил 26 январдаги билдириш хатида ушбу ишда камчиликларга йўл қўйган ФХДЕ ходимлари — А.С.Шулёнбаева, Н.А.Старцеваларнинг интизомий жазога тортилганликлари маълум қилинган. Ваҳоланки, ушбу арза бўлимга келиб тушган захотиёқ зудлик билан ижро қилиниши лозим бўлган аризалар туркумига кирди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон ва унинг тақдири, қалб нидоси туришини, уларнинг қувончига қувонч қўшиб, қайғусига ҳамдардлик билдириш лозимлигини ҳеч қайсини унутмаслигимиз лозим.

Т.ҚОҒҒИЕВ, Олот туман Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудири

Икром Зокировга келсак, 1945 йилда юридик институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, аспирантурада ўқиди. У ҳуқуқ илмининг турли йўналишларида тадқиқот ишлари олиб борарди, кўплаб илмий мақолалари чоп этилди. Икром ака фуқаролик ҳуқуқи бўйича дарслик муаллифларидан бири. Профессор, юридик фанлари доктори.

Мамлакат Восилова ва Икром Зокировларнинг инок, ҳамфикр оиласига ҳавасимиз келарди. Уларнинг ҳаёти, оила ва турмуш тарзи барчамиз учун намуна бўлари десак, хато бўлмас.

Бу муқаддас оиланинг энг яқин дўстларидан бири, мен учун ҳам, кўплаб республикамиз ҳуқуқшунослари учун ҳам энг қадрдон, азиз бўлган катта ҳуқуқшунос олим Малик Ҳақимовдир.

Ута қувнок, зехни ўткир, кўп қиррали олим, юридик фанлари доктори, профессор. Аспирант урда ўқиган йилларим Малик Ҳақимов аспирантурани тугаллаб, институтда маъруза ўқир, семинар маърузалари олиб борарди. Малик Ҳақимовнинг илмий-тадқиқот ишларининг асосида кўпроқ ҳуқуқий муаммолар, қонунчилик асослари ва давлат қурилишининг долзарб масалалари ётарди. Унинг дастлабки номзодлик ва докторлик диссертациясининг мавзуси ҳам давлат ҳуқуқи тушунчасига бағишланган эди.

Яқинда Малик Ҳақимовнинг садоқатли қадрдон дўсти, Икром Бекимович билан суҳбатлашиб қолдим.

У жонқуяр, жуда ҳам тиришқок, тиниб-тинчимас инсон эди. Унинг инсоний фазилатлари қамдан-кам одамда учрайди. Айнан ундаги олижаноб меҳнатсеварлик хислатлари, илм аҳли ўртасида обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлди, - дейди Икром Зокиров ўша ёшлик даврларини эслаб.

Биз Малик Ҳақимов билан ҳамкасб эдик. Битта кафедрода давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан дарс олиб борардик. Илмий-тадқиқот ишлари ҳам шу мавзуда эди. Икковлон биргалашиб, қонунчилик асослари, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва ҳуқуқнинг муносабатларида илмий мақолалар битиб, газета, журналларда эълон қилганимиз.

Малик Ҳақимов кейинги йилларда И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида давлат ва маъмурий ҳуқуқ бўлимида мудири бўлиб ишлади.

Малик Ҳақимов олим сифатида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ниҳоятда талабчан эди. Бир кун қонунчилик асослари хусусида икковлашиб мақола ёзишимизга тўғри келди-ю, кечаси бизнинг хонадонимизда тунаб қолдилар. Шу оқшом мақолани тайёрлаш чоғида ҳар бир жумла тўзилиши, ҳар бир сўз устида мунозара қилишгандик.

Бизга ҳуқуқшуносликдан дарс берган лобар аёллардан бири ҳуқуқшунос олима Холда Саматовадир. Улар институтга салобат билан кириб келганларида ҳаммаёқ ёришиб кетгандай туоларди. Барча талабалар унинг юқори билими, ширинсуханлигини жондан яхши кўришарди, ҳурмат қилишарди. Холда опа давлат ва ҳуқуқ тарихидан мутахассис бўлганлиги боис республикамиз давлат ва ҳуқуқ тарихи билан боғлиқ масалалар устида ишлар эди. Илмий ишлари қадимий Хоразмда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш тарихига бағишланган бўлиб, Ўзбекистонда миллий давлатчилик, ҳуқуқий масалалар хусусида кўплаб илмий мақолалар битди, китоблар ёзди. Маърузалари жонли, нутқлари ўта жозибали эди.

Бир кун Холда Саматовна билан суҳбатлашиб қолганимизда:

- Сиз давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича ишлайсиз. Келинг, менинг кафедрамга ўтинг, Ватанимиз тарихини ўрганиб, Ўзбекистонда маънавият, ахлоқ, ҳуқуқ, миллий урф-одатлар масалаларини давлат тарихи билан боғлаб ишласангиз саховатли иш қилган бўлардингиз. Зеро, тарихни ўрганмоқ, ҳозирги кунимизни яхшироқ англамоқ имкониятини беради, - деб маслаҳат бергандилар.

Олиманинг шогирдлари жуда кўп. Улар республикамиз вилоятларида, суд, прокуратура органларида, нотариал идораларда, адвокатура, хуллас,

ҳуқуқшунослар талаб этган идоралар, ташкилотларда ишлашмоқда. Унинг энг содиқ, биринчи шогирди, аспиранти Лазиз Мухамедович Охунжонов эди.

Мен Лазиз Охунжоновнинг яқин дўсти бўлганлигим учун Холда опа «Уртингизга айтинг, диссертациясини тезлаштирсин, бепарво, хафсаласиз бўлмасин» деб тайинларди. Бу шогирдларига унинг оналарча ғамхўрлиги белгиси эди.

Тошкент юридик институтида барчамиз тенг ҳурмат қилган, кўпқиррали олим, олижаноб инсон Зоидбек ака Иноғомжонов эдилар. Ёзган китоблари, қўлланмалари, бир қанча илмий мақолалар муаллифи бўлиш билан бирга ёш, миллий кадрлар танлаш, тарбиялаш хусусида кўп ибратли, саховатли, савоб ишларнинг тарғиботчиси эдилар.

Халқаро ҳуқуқдан дарс берардилар. Иқтидорли фан намоёниси. Ҳамма ул зотни иззат-ҳурмат юзасидан «Бек ака» деб улуғларди. Маъруза қилганларида бутун зал жаранглаб кетарди. Овозлари тиник, сўзлари аниқ, талаффузлари жуда чиройли эди. Талабалар билан бир пасда апок-чапоқ бўлиб кетардилар. Ул инсон қиёфасида ҳақиқий ўзбек ўғлининг сиймосини кўрардик. Миллий аъналаримизга, урф-одатларимизга ҳурмат ва икром билан муносабатда бўлар эдилар. Халқаро ҳуқуқ соҳасида дарс олиб борганларида, баъзан лекция ўртасида қадимий тарихимиз, донишманд алломаларнинг ёзиб қолдирган ҳикмат ва ривоятларини сўзлаб, талабаларга панд-насихат қилганлари ёдимда. Биз талабалар Бек ака дарсга кирганда ҳеч зерикмасдик, дарсни тез тамом бўлиб қолмаслигини тилаб ўтирардик. Бек ака сўзлаб берган бир ўғит эсимда қолган:

- Луқмони ҳақим минг ҳикматли сўзни қайд этган бўлиб, улар орасида тўрттасидан иккитасини доим ёдда тутиш, қолган иккитасини унуттиш керак деган ҳам экан. Доим ёдда тутиш керак бўлган иккита сўздан биттаси ўз ёмонлигини, иккинчиси ўзганини яхшилиги. Унуттилиши лозим бўлган иккита биттаси - яхшиликнинг, иккинчиси ўзгани ёмонлиги.

Бек ака ҳаётдан бир шингил: бир кун Бек ака мусиқа тўрагимиз йиғилган хонага кириб келдилар. Музика раҳбаримиз Мамадазиз Ниёзов ғижжакни сошлаб туриб, бир чиройли куй бошлаган ҳам эдики, Зоидбек ака бошларини чайқай туриб, бир

Устозлар сабоғи — тарих дарсхонаси

ҲУҚУҚШУНОС БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

данига жўр бўлиб кетдилар. Хусни ортар юзда зулфинг анбарафшон айлагач...

Ҳазрат Навоийнинг бу машҳур ғазалига бастанланган кўйга Зоидбек ака жўр бўлиб, шу қадар чиройли, жозибдор эди кўшиқ айтдики, ҳаммамиз ёқа ушлаб ҳайратда қолгандик.

Ҳуқуқшунослик илмида энг асосий фанлардан бири жиноят ҳуқуқидир. Ёдимда, иккинчи босқич талабаси эдик. Жиноят ҳуқуқи дарсига директоримиз прокурор мундиригаёқ қорачадан келган савлатли кишини бошлаб кирди.

- Бугундан бошлаб сизларга жиноят ҳуқуқи фанидан республикамиз Бош прокурори ўринбосари Бердӣёр Аҳмедович Аҳмедов дарс олиб борардилар, - деб таништирди.

Бердӣёр Аҳмедов амалий ҳаётни илм-фан билан қўшиб олиб бора оладиган ажиб табиатли зукко олим ва давлат арбоби, Тошкент юридик институтида ўттиз йилдан ортқ декан, жиноят ҳуқуқи кафедрасининг мудири сифатида фаолият кўрсатган. У дарсликлар, илмий мақолалар муаллифидир. «Республикада хизмат кўрсатган юрист», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларига эга.

Истиқлолимиз йиллари Бердӣёр Аҳмедов мустақил Ўзбекистонимизнинг қонунлари, ҳуқуқий соҳа бўйича ишланган кўп мезърий ақлар қабул қилинишида янги тақлифларни илгари суриб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Президенти Ислол Каримовнинг Бердӣёр Аҳмедовга юборган табрик хати тўқсон ёшли отанинг умрига умр кўшди, унга катта маънавий куч-қудрат бахш этди.

Биз билан замондош бўлган, ёшлиқдан бирга ўқиган,

Ён дафтардаги битиклар

- * Бошинг осмонга етганда ҳам баъдаликни унутма.
- * Устозинг кимлигини айт, сеннинг кимлигингни айтман.
- * Ўз кучсизлигингни тан олсанг, кучли одам бўлиб етишасан.
- * Амалга минган чоғингда кўпроқ одамларга яхшилик қил, амал кетади, яхшилик қолади.

(Охири. Боши ўтган сонларда)

республикамизнинг таниқли юристлари Шавкат Ўразаев, Анвар Аъзамхўжаевларни барча эҳтиром билан эслайдим. Бу икки ҳуқуқшунос илмий соҳада ҳам, давлат ишларида ҳам фаол қатнашиб, Ўзбекистонимизда ҳуқуқшунослик ва давлат қурилиши масалаларида янги аёнлашиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ривожланиш тамойиллари асосида илмий ва амалий фаолиятларида кўп саховатли ишларга бош қўшишди.

Анвар Аъзамхўжаев профессор, академик бўлди. Илмий ишларидан ташқари у Ўзбекистон Олий ўрта таълим вазирлигининг ўринбосар, кейин Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг академик котиби, Тошкент юридик институтининг директори, ис-



Мақсуд ҚОРИЕВ ва Малик ҲАКИМОВ

тиқлолимиз йилларида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Комитетининг раиси лавозимларида ишлади.

Яхши дўст, қадрдон ўртоқ, меҳрибон оила бошлиғи эдилар.

Ўразаев Шавкат Закариевич юридик фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми аъзоси, философия, экономика ва юридик фанлари бўлими академик секретари, Бегматий номидаги Давлат мукофоти лауреати.

Шавкат Ўразаевнинг илмий ишлари Ўзбекистонда давлат қурилиши демократия, ҳуқуқ назарияси ва бошқа масалаларга бағишланган.

Истиқлолимиз йиллари Шавкат Ўразаев мустақил Ўзбекистонимиз давлат қурилиши ва ҳуқуқий масалалар бўйича кўп илмий-амалий ишлар билан шуғулланди. Ўзбекистон Республикасида давлат ташкил этилган Конституциявий Қўмитага расислик ҳам қилдилар.

Хуллас, дилдаги гаплар кўп, айтилмагани бисёр. Фотиҳ Бакиров суд қурилишидан дарс олиб борардилар. Ўз касбининг моҳир устози, олим инсон эдилар. Қатор илмий мақолалар, китоблар муаллифи. Фуқаролик ҳуқуқидан Фауд Сайфуллаев деган устоз маъруза ўқирди. Ўз соҳасининг билан, фуқаролик ҳуқуқи масалаларида олимга етадиган мутахассис қамдан-кам топиладди. Ўз ишининг илпидан игнасиغا чуқур, атрофли билган олим, шу билан бирга республикамизда фуқаролик, жиноят, процессуал кодексларини ишлаб чиқишда фаол қатнашганлардан эди. Логика, психологиядан Исҳоқов, тарих фанидан Турди Байқоқовлар дарс беришарди. Уларни унутиб бўладими? Агар бўлса, мени кечирсинлар. Афсуски, «бир чимдим» қаламга олган устозлардан кўнчилиги оламдан қўз юмиб кетдилар. Уларни Аллоҳ ўз даргоҳида қабул айлаган бўлсин...

Ривоят қилишларича, бир мўйсифид кўча бўйлаб тобут кўраб кетаётган одамларга кўзи тушибди ва шу ерда турган бир нотаниш кишидан сўрабди:

- Тобутдаги одам ўлганми ё тирикми? Халиги киши хайрон бўлиб: «Қанақа ақлсиз одамсиз, боринг-ей!» дебди-да, жahl билан йўлга кетибди. Уша одам уйдаги бориб халиги ақлсиз, бефаросат мўйсифиднинг гапларини хотинига айтибди.

- Ия, дадаси, ўша одам жуда ақлли гап айтибди. Дарҳол бориб уни топинг-да, уэр сўранг, ўзингизга уни пир деб билинг, - дебди.

- Ие, нега энди, қизиқ экансан-ку, - дебди эри хотини устидан кулиб.

- Йўқ дадаси, ўша мўйсифиднинг гапида катта маъно бор. «Бу одам ўлими, тирикми» деганида, марҳумнинг ўзидан кейин қоладиган, ноини шарафлайдиган фарзандлари, одамларга қилган яхшиликлари, ёзган китоблари борми, дегмоқчи, - дебди аёл.

Ҳақиқатан ҳам бу ёрғ дунёда инсондан яхшилик, эзгу ишлар, китоб ва фарзанд қолур. Бу ҳақ гап. Мен қаламга олган устозларим ана шундай олижаноб инсонлардир, муҳтарам газетхон!

Мақсуд ҚОРИЕВ

Устоз ҳуқуқшунослар КАСБГА ВАФО ҚИЛГАН ИНСОН

Ҳаётда шундай инсонлар бор. Касбига сидқидилдан ихлос қўйган, бурчига содиқ, имонли, эътиқодли, қаттиққўл... Уларни эл улуғлайди, ҳурмат қилади, ишонди, яхши-ёмон кунлариди сўянади. Улар темир иродаси, матонат билан ўз мақсадига эришган, ҳаётда ўз ўрнини топган, қомил фарзандлар улғайтирган, мўътабар зот, бахти бекам кишилардир.

Улар ҳаётда бахтиёр бўлишининг мазмун-моҳиятини ҳам шунда деб билган, бир умр ўз ақидасига содиқ бўлиб қолган чинакам оқибатли одамлардир.

Вафоқул Норбеков асли нуруталик, тоғ фарзанди. 1941 йилнинг 24 мартида Бегожат қишлоғида таваллуд топган. 1962 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиёти кечки бўлимига ўқишга кирган. Ўқишдан ажралмаган ҳолда Тошкент шаҳар А.Икромов тумани судида котиб, ижрочи вазифаларида ишлаган. 1968 йилда олийгоҳни битирганидан бери эса прокуратура соҳасида меҳнат қилиб келаяпти. Аникроғи, бу соҳага 1965 йилда ўтган. Сурхондарё вилояти, Денов тумани прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи, прокурор ёрдамчиси лавозимларида ишлаган. 1969 йилдан Бойсун тумани прокурори, 1975 йилдан Термиз шаҳар прокурори сифатида жиноятчиликнинг пайини қирқиб, уларни тезкорлик билан фош этиш ва қонун устуворлигини таъминлашга катта куч-ғайрат сарфлади. У 1986 йилдан бери Жиззах, Сирдарё вилоятлари прокуратурасида турли лавозимларда ишлаб келаяпти.

Айни дамларда Вафоқул ака Шароф Рашидов туман прокурорининг ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси. Инсонга парвардигор ато этган умр яшаган йиллари билан эмас, балки бажарган эзгу ишлари, одамларга теккан нафи билан ўлчанади. Шу маънода Вафоқул ака босиб ўтган йўл, узоқ йиллик самарали меҳнатлари, камтарона турмуш тарзи кўпчилик учун ибратлидир. Бир пайтлар тажрибали устозлари Вали Қосимов, Чори Жўраев, Султон Мухаммадиев, Узоқ Маъруповлардан прокурорликнинг ўзига хос сир-синоатларини ўрганган инсон бугун

ўзи ҳам устоз. Унинг ўнлаб муносиб шогирдлари бор. У ҳар гал шогирдларига дуч келганида кўнгли осмон қадар ўсади. Уларнинг камолини кўриб, хурсанд бўлади. Навоий шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Н.Эргашев, Республика солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Рамазон Пўлатов, Сурхондарё вилоят прокуратурасининг масъул ходими Ҳайитмурод Тўлаганов, Гулистон туман прокурори Бўлтак Усмоновлар Вафоқул аканинг севимли шогирдларидан. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Вафоқул ака ажойиб оила бошлиғи ҳам. У 10 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, 16 нафар неваранинг суюкли бобоси.

- Бизнинг ишимизни бир ҳижатдан шифокорларга менгаш мумкин, - дейди биз билан суҳбатда Вафоқул ака. Шифокорлар беморни даволагандан кўра, кўпроқ касалликнинг олдини олишга ҳаракат қилишади. Биз қонун ҳимоячилари ҳам қонунбузарларни жазолашдан кўра, унинг олдини олишга, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботига кўп куч-ғайрат сарфляпмиз.

Яқинда ажойиб ҳуқуқшунос Вафоқул ака Норбеков таваллудининг олтинчи йиллигини мўъжазгина дастурхон устида ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари даврасида нишонлади. Дўстлари, шогирдлари уни чин дилдан култайди, эзгу истаклар билдиришди. Ҳа, чиндан ҳам шерий оҳангда айтидиган бўлсак:

У ўз касбин севди, унга вафо қилди, Шундан балки Тангри суйган Вафоқулни.

Ўткир САИДОВ, Сорабек ХОЛМУРОДОВ, Сирдарё вилояти, Шароф Рашидов тумани

КЕЛИН ОЗОДИҚДА, КУЁВ...

Кейинги пайтда Новосибирск шаҳар никоҳни қайд этиш маҳкамаларида сибирлик хонимлардан кўйлаб аризалар тушмоқда. Улар озодликдан маҳрум этилган «куёв»лар билан никоҳларини қонуний қайд этишмоқчи. Қизиқ, ҳали ўн тулдани бир гули ҳам очилмаган бўлгуси келинларнинг бундай шайқатларининг боиси не?

Аслида гап бошқа ёқда: панжара ортгади маҳбублар билан фақат уларнинг қариндош-уруларигагина учрашувга рухсат берил-

ди. Демак, бир кунлик хузув-ҳаловат, «муҳаббат», қамоқхона кийимини тўйлибосига алмаштириш маҳкумлар учун кўп етмас орзу. Лексин бу орзу никоҳни қайд этиш ва... келинларга тўланадиган катта «қалин» эвазига ушалади.

ЭРКАКЛАР ҲУҚУҚИ... НАЗОРАТДА

Литвадаги жинслар тенглигини назорат қилувчи давлат хизмати раҳбари Аушрине Бурнейкене тижорат ресторани директори Асту Юодинигега 500 лит — 125 доллар миқдорда жарима солди. Директорнинг бор-йўқ айби маҳал-

лий газетлардан бирида ишлаб чиқариш бўлими мудирига фақат аёлларни ишга олмақчилиги ҳақдаги эълонини бергани бўлди. Бу эса Литва қонунчилигида белгиланган тенг ҳуқуқликка зиддир.

А.Бурнейкене раҳбарлик қилаётган давлат хизмати-нинг талаби қатъий. Ҳар қандай инсон ҳуқуқлари топталишига йўл қўйилмайди. Айниқса бу ишга қабул қилиниш жараёнида содир бўлса...

Олдий мисол. Агар раҳбар ишга қабул қилинаётган аёлга интим муносабатда бўлишни тақлиф этса ёки шунга ишора қилса, жарима миқдори 1000 долларгача белгиланган. Жари-

Ажаб дунё

Таъзияга етиб келганимиз жабрланувчининг чўнтагига эмас, давлат бюджетига ўтди. Шунинг учун ҳам бу тарздаги шикоят тобора кам учрамоқда.

ЎЗ ТАЪЗИЯСИДА ЎЗИ ҚАТНАШИДИ

Никарагуалик 58 ёшли Сезар Агилеранинг дафн этиш маросимида қатнашганлар «мархум»нинг ўз таъзиясида ўзи қатнашаётганини кўриб, ёқа ушлашди. Бечора Сезарнинг тобутни эндигина қабрга қўйи-лаётганида унинг ўзи етиб келди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

ЯШАШ ҚИЙИН КЕЧАЯПТИМИ, КЕТАВЕР!

Голландия дунёда биринчи бўлиб расмий равишда Эвта Назия — ҳаётдан ўз хоҳишига кўра кетишни ихтиёр этганларга рухсат бериш тўғрисидаги қонунни кўриб чиқди. Мамлакат қуйи палатаси сенати ниҳоят шундай қарорга келди. 75 депутатдан 46 нафари янги қонунни қўллаб-қувватлади. Парламентнинг қарори мамлакат аҳли томонидан илқик қилинди. Чунки аввалроқ ўтказилган сўровномаларда 80 фоиз аҳоли шундай қонун қабул қилинишини ёқлаган эди. Қо-

Энди ГУЛХАНДА ЁНДИРИЛМАЙДИ...

Эстониялик ижтимоий муҳожаир энди ҳукуматдан «доимий соғалар» оладиганга ўхшайди. Олиги вазирига бошқоначилар мусодара қилаётган кийим-кечакларни ёқиб юборишни бекор қилиш ҳақида қарор чиқарди. Энди бундай буюмлар маассаларига ҳамда озодликдан маҳрум этилганларга тарқатиб берилди.

Хорж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Файзулло РАҲИМОВ
Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслидин БОЛИЕВ
Абдил ТУХТАШЕВ

ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзбой САИДОВ
Нормейли НОРПУЛАТОВ
Миршохид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририят компьютер базасида термиди ва сифатланган. А-2 босимида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» наприет маъбаа акцидорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи: 10.000. Босишга топширилган вақти 21.00. Босишга топширилган вақти 20.00.

Навбатчи: **О. ХУДОЙБЕРДИЕВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **Л. КУЛИШОВА**
Компьютерда матн терувчи: **М. ДЎСТОВА**

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 107. Тел: 132-14, 132-15 (умумий бўлими), 132-10, 65.
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-сон билан рўйхатдан ўтган.

Таҳририятга юборилган кўлемлар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.